

« 04 » апрел 2022 йил

Каттақургон шаҳри

« USTO ISMOIL TEMIR BETON» МЧЖ кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи Ш.Курбанова номидан, бир томондан ва Каттақургон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбари Ф.Курбанов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га Каттақургон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси бош биносини жорий таъмирлаш (кейинги ўринларда - "Ишлар" деб юритилади) ишларини бажариш, "Буюртмачи" ушбу "Ишлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. "Ишлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

№	Ишнинг номи	Бошланғич нархи	Шартноманинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	Каттақургон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси горизантал сугориш насосларини жорий таъмирлаш	15354640	15344600
	Жами (ҚҚС сиз)		
	Жами (ҚҚС билан)		15344600

1.3. Шартноманинг умумий суммаси ҚҚС билан 15 344 600 (Ўн беш миллион уч юз қирк тўрт минг олти юз) сўм ҚҚС 2001470 (Икки миллион бир минг тўрт юз етмиш) сўмни ташкил этади

1.4. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: Бошланиши: Каттақургон шаҳар Газначилик булинмасидан руйхатдан утгандан сунг. Ишларни тугатиш муддати: " 10 " апрел 2022 й.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. " Буюртмачи "нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. "Бажарувчи" дан "Ишлар" "Буюртмачи" нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар» ни нуқсон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Ишлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" шунга ўхшаш "Ишлар" билан алмаштирилишини;

- "Ишлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғрилиниши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

2.2.1 Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган "Ишлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. "Буюртмачи"га "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8- бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.2. Агар "Ишлар"ни бажариш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 15 кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

3. ШАРТНОМАНИНГ

БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси ҚҚС билан 15 344 600 (Ўн беш миллион уч юз қирк тўрт минг олти юз) сўм ҚҚС 2001470 (Икки миллион бир минг тўрт юз етмиш) сўмни ташкил этади. Бажариладиган "Ишлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. Кўрсатилган "Ишлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

3.3. "Буюртмачи" мазкур контрактни Каттақургон шаҳри буйича Газначилик булинмасида руйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ контракт умумий суммасидан 15 % миқдорида (шартнома суммасининг 15% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 85 % ни бажарилган ишлар қўриб чиққан юрист: ХАЙТОВ АЛИШЕР ХИҚМАТОВИЧ. Ҳужжат рақами: WP2575537240

тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.

4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. "Ишлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 4.5. Назарда тутилган ҳажмдан ортикча бир номда "Ишлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Ишлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Ишлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Ишлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.6. Бажарилган "Ишлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган "Ишлар" ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилади.
- 4.7. Шартномада назарда тутилган "Ишлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.
- 4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Бажарилаётган "Ишлар" сифати, ҳажми "Бажарувчи" томонидан ногўғри аниқланиши, уларнинг қиймати ногўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" бажарилаётган "Ишлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг ҳажмининг ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига ногўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.
- 5.2. Агар бажарилган "Ишлар"нинг сифати, ассортиментини, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Ишлар" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.
- 5.3. "Ишлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Ишлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Ишлар" бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.
- 5.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган "Ишлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Ишлар" бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.
- 5.5. Бажарилган "Ишлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контракция шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контракция шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контракция шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.
- 5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.
- 5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ургадаги фарқ «Ишлар» бажарувчи томонидан қопланади.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

- 6.1. Мазкур шартнома 2022 йил 4- апрелдан 31-декабр 2022 йил гача амалда бўлади.
- 6.2 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
- 6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
 - томонларнинг келишувига мувофиқ;
 - Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
 - Форс-Мажор ҳолатларида

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ҳамда бошқа қонуни ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибиде ҳал қилинади.

7.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда Хўжалик судида ҳал қилинади.

8. ФОРС – МАЖОР

8.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулотда муайян шароитида олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табiiй офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити, ҳуқуқат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, ҳарбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошқа табiiй офатлар) форс-мажор туфайли бажарили бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса жавобгар булмайди.

8.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмасе томонлар Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги" ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонунлари талаблари буйича жавобгар булади.

9. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

9.1 Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

9.2 Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб Каттақургон шаҳри буйича Газначилик булинмасидан руйхатдан утгандан сунг қонуний кучга киради.

10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР


10.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибиде бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

10.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

10.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) руйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»	«Буюртмачи»
"USTO ISMOIL TEMIR BETON" MCHJ	Каттақўргон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси
(мол етказиб берувчининг номи)	(бюджетдан маблағ олувчининг номи)
Манзил: Каттақургон туман Баландравот к-к 9 уй	Манзил: Каттақўргон шаҳри, У.Хайём 9
Тел./факс +99894-5314882	Тел./факс 66-456-41-08
х/в 20208000505184874001	ш/ҳ 400122860184067065100110001
Банк номи: ХАЛК БАНК К.КУРГОН филиали	бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 200721220
МФО 00725 СТИР 307169432	ОКОНХ 90110
ОКОНХ	Газначилик номи <u>Молия вазирлиги Газначилиги</u>
	Газна х/в <u>23402000300100001010</u>
Рахбари  Ш. Курбанова	Банкнинг номи <u>Мар.банк Тошкент ш. Бош бошқармаси ХККМ</u>
	МФО <u>00014</u>
	газначилик СТИРи <u>201122919</u>
	Рахбари  Ф. Курбанов
	



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
SAMARQAND VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
KATTAQO'RGON SHAHAR YURIDIK XIZMAT
KO'RSATISH MARKAZI**

Kattaqo'rgon shahar A.Navoiy ko'chasi 156-yil Davlat xizmatlari markazi binosi

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

Hujjat raqami № ZM87747054

1.Loyihaning turi: Shartnoma

2.Loyihani nomi: Kattaqo'rg'on shahar obodonlashtirish boshqarmasi hamda USTO ISMOIL TEMIR BETON MChJ o'rtasida tuzilgan 12-sonli joriy tamirlash ishlari uchun shartnoma.

3.Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Kattaqo'rg'on obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022 yil 4 apreil kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Kattaqo'rg'on shahar yuridik
xizmat ko'rsatish markazi
bosh yuriskonsulti:**



A.Haitov

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 55999 на приобретение ЭЦВ 6--8 дренаж насосларини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 31.03.2022

Время рассмотрения 31.03.2022 11:29

Конкурсная комиссия Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	ISHANKULOV ALISHER SULTANOVICH	Бош мухандис	Ободонлаштириш бошкармаси
Секретарь комиссии	MARDIKULOV ERKIN SUYUNOVICH	омбор мудири	Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	FAYZULLAYEV AXTAM RAXMATOVICH	Техник назоратчи	Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	PARDAYEV XAMIDULLO PARDAYEVICH	Техник назоратчи	Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	NOSIROV AKRAM KUCHIMOVICH	Бўлим бошлиғи	ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	SHOMAMATOV ZUXRIDDIN BAXRIDDINOVICH	Бош хисобчи	Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	G'ANIYEV ULIG'BEK XAYRILLAYEVICH	Аграном	Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	ASADOV YULDOSH MEYLIYEVICH	Бўлим бошлиғи	Ободонлаштириш бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 31.03.2022 года № лота 55999.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 5

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по текущему ремонту сооружений
Подробное описание	ЭЦВ 6--8 дренаж насосларини жорий таъмирлаш= таъмирлаш ишлари нуксон ва смета буййича бажарилиши лозим, Таъмирлаш ишларига 1 йил тулик кафолат берилиши лозим, Насос ишлатиб кабул килинади
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	15 354 640.00
Стартовая сумма	15 354 640.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 3.шчи ходимлар тугрисида маълумот (Ф.И.Ш буйрук нухса);

Тип: Текстовое значение

Описание: камида 5 та хоими булиши лозим

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО УСТО ИСМОИЛ ТЕМИР БЕТОН	3	Мавжуд	3	Экспертная		
УСТОЗОДА СТРОЙ МСНҲ	3	Мавжуд	2	Экспертная		

Критерий №2 4. Хисоб ракамида 15% маблаг мовжудлиги тугрисида маълумот;

Тип: Текстовое значение

Описание: маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО УСТО ИСМОИЛ ТЕМИР БЕТОН	3	Мавжуд	3	Экспертная		
УСТОЗОДА СТРОЙ МСНҲ	3	Мавжуд	2	Экспертная		

Критерий №3 5. Узига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

Тип: Текстовое значение

Описание: Маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО УСТО ИСМОИЛ ТЕМИР БЕТОН	1	Банкротлик мавжуд эмас	1	Экспертная		
УСТОЗОДА СТРОЙ МСНҲ	1	Мавжуд эмас	1	Экспертная		

Критерий №4 2. Солиқдан қарзи йуқлиги тугрисида ҳамда ндс туловчи тугрисида гувоҳнома булса тақдим қилиши,;

Тип: Текстовое значение

Описание: Маълумотнома ва гувоҳнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО УСТО ИСМОИЛ ТЕМИР БЕТОН	2	Қарздорлик мавжуд эмас	2	Экспертная		
УСТОЗОДА СТРОЙ МСНҲ	2	Қарздорлик мавжуд эмас	1	Экспертная		

Критерий №5 1. Бажарувчи қорхона тақлиф билан бирга қорхона гувоҳномаси , раҳбарнинг буйруғи, раҳбарнинг паспорт нусхасини тақдим қилиши;

Тип: Бинарное значение

Описание: ЭЦВ 6--8 дренаж насосларини жорий таъмирлаш= таъмирлша ишлари нуксон ва смета буййича бажарилиши лозим, Таъмирлаш ишларига 1 йил тулик кафолат берилиши лозим, Насос ишлатиб кабул килинади

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО УСТО ИСМОИЛ ТЕМИР БЕТОН	1	1	1	Экспертная		
УСТОЗОДА СТРОЙ МСНЖ	1	1	1	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО УСТО ИСМОИЛ ТЕМИР БЕТОН	15 354 640.00	15 344 600.00	30.03.2022 14:15:01	100.00
УСТОЗОДА СТРОЙ МСНЖ	15 354 640.00	15 352 700.00	30.03.2022 15:03:37	99.95

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО УСТО ИСМОИЛ ТЕМИР БЕТОН	Прошел	100	100
УСТОЗОДА СТРОЙ МСНЖ	Прошел	99.95	99.95

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 55999 от 31.03.2022 года на приобретение ЭЦВ 6--8 дренаж насосларини жорий таъмирлаш определила победителем:

ООО УСТО ИСМОИЛ ТЕМИР БЕТОН
307169432

и резервный исполнитель: УСТОЗОДА СТРОЙ МСНЖ (306257466)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ISHANKULOV ALISHER SULTANOVICH	Согласен	
Член комиссии	G'ANIYEV ULIG'BEK XAYRILLAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	FAYZULLAYEV AXTAM RAXMATOVICH	Согласен	
Член комиссии	PARDAYEV XAMIDULLO PARDAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	ASADOV YULDOSH MEYLIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	NOSIROV AKRAM KUCHIMOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



Каттақўргон шаҳар ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғига
Каттақўргон шаҳар ободонлаштириш
бошқармаси ҳисобидаги дренаж тик қудуқлари
насосларини жорий таъмирлаш ишларини
бажариш учун танлов комиссиясига "USTO
ISMOIL TEMIR BETON" МЧЖ томонидан

БИЛДИРИШ ХАТИ

"USTO ISMOIL TEMIR BETON" МЧЖ раҳбарияти Сизга шунинг ёзиб маълум қиладики, Каттақўргон шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ҳисобидаги дренаж тик қудуқлари насосларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун товар хом-ашё биржасига 2022 йил 18 март куни ~~_____~~-сонли лот билан жойлаштирилган эълонга жавобан иловаларда кўрсатилган ўз харид таклифимизни тақдим этамиз. Банкдан кредит ва картотекаларимиз мавжуд эмас. Бизнинг ташкилотимиз ноинсоф етказиб берувчилар реестрида қайд этилмаган ҳамда корхонамизга нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилмаган.

Манзил: Каттақўргон тумани Оқ олтин МФЙ Умар Хайём кўчаси 9-уй

Банк ҳисобрақами: 20208000505184874001

Банк МФО си: 00725

Банк номи: АТ Халқ банки Каттақўргон шаҳар филиали

ИНН: 307169432

МЧЖ раҳбари:



Ш.Курбонова



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"USTO ISMOIL TEMIR BETON" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy huquqiy shakli ko'rsatilgan holda to'liq nomi)

"USTO ISMOIL TEMIR BETON" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

24.02.2020

819715

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

307169432

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Oq Oltin MFY Umar Hayyom
ko'chasi 9-uy,

Guvohnoma:

Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





Каттақўргон шаҳар ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғига

Каттақўргон шаҳар ободонлаштириш
бошқармаси ҳисобидаги дренаж тик қудуклари
насосларини жорий таъмирлаш ишларини
бажариш учун танлов комиссиясига
"USTOZODA STROY" МЧЖ томонидан

БИЛДИРИШ ХАТИ

"USTOZODA STROY" МЧЖ раҳбарияти Сизга шуни ёзиб маълум қиладики, Каттақўргон шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ҳисобидаги дренаж тик қудуклари насосларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун товар хом-ашё биржасига 2022 йил 18 март куни [REDACTED] сонли лот билан жойлаштирилган эълонга жавобан иловаларда кўрсатилган ўз харид таклифимизни тақдим этамиз. Банкдан кредит ва картотекаларимиз мавжуд эмас. Бизнинг ташкилотимиз ноинсоф етказиб берувчилар реестрида қайд этилмаган ҳамда корхонамизга нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилмаган.

МЧЖ раҳбари:



А.Эргашев



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektlari) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestiga

"USTOZODA STROY" Mas'uliyat cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning — tadbirkorlik subyektlari tashkiliy-huquqiy shaxsi bo'lgan holdagi to'liq nomi)

"USTOZODA STROY" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

25.03.2019

701972

ro'yxat raqamini yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi

(Ilmga o'y (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306257466

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyat cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi

Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on tumani, Saroyco'rg'on Polvontepa
qismini

Guvohnoma

Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

to'rtinchi
betidan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organining to'liq nomi)



